БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-йил чиқиши
№ 51 (2084).
11 МАРТ ЯКШАНБА 1962 йил
Баҳоси 2 тийин

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қаттиқ ишонч билдирадики, қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш соҳасида белгиланган тадбирларнинг амалга оширилишини ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар—бутун совет халқи қизғин қувватлайди, бу тадбирларнинг амалга оширилиши партия ташкилотларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг аҳволи учун масъулиятини оширади, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини яратиш соҳасида КПСС XXII съезди илгари сурган вазифани қисқа муддатларда муваффақиятли бажаришга имкон беради.

КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИ ВА ПАРТИЯНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА РАҲБАРЛИКНИ ЯХШИЛАШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Пленуминиг ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ доклади юзасидан 1962 йил 9 мартда қабул қилган

Қ А Р О Р И

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи ва партиянинг қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш соҳасидаги вазифалари» тўғрисидаги докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволига докладда берилган анализни ҳамда мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини яратиш тўғрисида партия XXII съезди қарорларини ва КПСС янги Программасини амалда бажаришга қаратилган конкрет тадбирларни тамомила ва тўла маъқуллайди.

Совет халқи КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини, Коммунистик партия Программасини ўзининг асл манфаатларининг ифодаси деб зўр иштиёқ билан қизғин маъқуллаб қутиб олди. Қардош коммунистик партиялар, жаҳон ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракати КПССнинг янги Программасига ижодий марксизм-ленинизмнинг ғоят буюк ҳужжати деб баҳо бермоқдалар, бу ҳужжатда коммунистик қурилишнинг перспективалари равшан белгиланган, ҳозирги замоннинг туб масалалари ечиб берилган, империализм ва мустамлакачиликка қарши, халқларнинг озодлиги, тинчлиги ва бахт-саодати учун кураш йўли кўрсатиб берилгандир.

КПСС Программасининг кучи шундаки, у коммунизмга умумий тенглик ва адолат ўрнатиладиган тузум деб, инсоният тараққиётининг жамиятдаги ишлаб чиқарувчи кучлар мисли кўрилмаган даражада юксалишига эришиладиган ва меҳнаткашлар учун энг юксак турмуш даражаси таъминлаб бериладиган босқичи деб кенг маънода қарайди. Партия Маркс—Энгельс—Ленин таълимотига амал қилиб, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишнинг илмий жиҳатдан ишлаб чиқилган планини асосий иқтисодий вазифа қилиб, коммунизмнинг: «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша» деган буюк принципини амалга оширишга олиб борадиган тўғри йўл деб ўз Программасига киритди. Партиямизнинг ана шу ленинча йўлини бутун совет халқи, жаҳон коммунистик ҳаракати ва прогрессив инсоният қўллаб-қувватламоқда.

Коммунизм қурилиши барча совет кишиларининг энг муҳим ва жонажон иши бўлиб қолди. Кейинги йилларда экономика, фан ва маданиятни янада ривожлантириш соҳасида катта-катта ютуқлар қўлга киритилганлиги, мамлакатнинг иқтисодий қудрати йилдан-йилга ортиб бораётганлиги, меҳнаткашларнинг фаровонлиги ошиб бораётганлиги совет кишиларини ва чет эллардаги жуда кўп дўстларимизни қувонтирмоқда.

Экономиканинг ҳал қилувчи тармоғи бўлган саноатни ривожлантириш соҳасида етти йиллик план топшириқлари муваффақиятли суратда бажарилмоқда. Етти йилликнинг ўтган уч йили мобайнида саноатнинг ялпи маҳсулоти контроль рақамларда кўзда тутилган 27 процент ўрнига 33 процент кўпайди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг умумий ҳажми эса планда кўрсатилган топшириқлардан 19 миллиард сўмлик ошиб бўлди. 1959—1961 йилларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ўсиши йилига етти йилликнинг контроль рақамларида кўрсатилган 8.3 процент ўрнига ўрта ҳисобда 10.1 процент бўлди. Саноат маҳсулотининг пўлат, прокат чўян, нефть сингари энг муҳим турларини ишлаб чиқариш топшириқлари анча ортиғи билан бажарилмоқда. Совет кишилари қўшимча равишда кўплаб халқ истеъмол товарлари олдилар.

Етти йилликнинг дастлабки уч йилидаги якунлар шуни яққол кўрсатмоқдаки, 1959—1965 йиллар ва бундан ҳам кейинги анча узоқ даврни кўзлаб саноат олдига қўйилган вазифаларни ишчилар синфи, инженерлар, техниклар ва олимлар, бутун совет халқи шараф билан бажарадилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мамлакат қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш — коммунистик қурилиш вазифаларини амалга ошириш учун, халқ фаровонлигини муттасил ошира бориш учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир, деб таъкидлайди. КПСС Программасида бундай дейилган: «Қудратли саноат билан бир қаторда, равнақ топаётган, ҳар томонлама ривожланган ва сермаҳсул қишлоқ хўжалигини вужудга келтириш — коммунизм қурилишининг зарур шартидир». Мана шунинг учун қишлоқ хўжалигини юксалтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини таъминлаш — коммунистик қурилишнинг зарбдор фронти, бутун партиянинг, бутун халқнинг ишидир.

Коммунистик партия бутун халқнинг актив иштироки билан сўнгги йилларда колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини юксалтириш соҳасида катта-катта тадбирларни амалга оширдики, бу тадбирларни революцион тадбирлар деб тўла асос билан айтиш мумкин. Мисли кўрилмаган қисқа муддат ичида 42 миллион гектар кўриқ ва бўз ер ўзлаштирилди, юзлаб янги йирик совхозлар барпо қилинди; колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди; машина-трактор станциялари қайта ташкил қилинди; планлаштиришнинг янги тартиби жорий этилди; колхозлар ва совхозлар раҳбар кадрлар ва мутахассислар билан мустаҳкамланди; қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тайёрлов нархлари анча оширилиб, қишлоқ учун ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган товарларнинг нархлари камайтирилди.

Мана шу тадбирларнинг ҳаммаси социалистик қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга, колхозчилар, совхоз ишчилари ва мутахассисларнинг жамоат хўжалигини ривожлантиришдан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан моддий манфаатдорлигини оширишга ёрдам берди.

Бутун қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 1953 йилдан 1961 йилгача 1.6 баравар кўпайди. Ана шу йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотларини етиштириш қуйидагича кўпайди: дон етиштириш 5 миллиард 36 миллион пуддан 8 миллиард 380 миллион пудгача, гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 5 миллион 800 минг тоннадан 8 миллион 800 минг тоннагача, сут етиштириш 36 миллион 500 минг тоннадан 62 миллион 500 минг тоннагача, тухум етиштириш 16 миллиард донадан 29 миллиард донагача кўпайди. Шунингдек, қанд лавлаги, пахта, мойли экинлар, картошка, сабзавот, мева, чой ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳам кўпайди. Қанд лавлагидан 1953 йилдаги 3 миллион 434 минг тонна ўрнига 1961 йилда 6 миллион 85 минг тонна қанд-шакар ишлаб чиқарилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг бу тарзда кўпайтирилганлиги дэвлат харид қиладиган ва аҳолига сотадиган энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини анча кўпайтиришга имкон берди. Давлат савдоси орқали аҳолига сотилган гўшт ва гўшт маҳсулотлари 1953 йилдаги 1 миллион 757 минг тоннадан 1961 йилда 4 миллион 33 минг тоннага, сут ва сут маҳсулотлари 1 миллион 980 минг тоннадан 9 миллион 393 минг тоннага, мол ёғи 330 минг тоннадан 632 минг тоннага, қанд-шакар 2 миллион 410 минг тоннадан 4 миллион 530 минг тоннага кўпайди.

Шундай қилиб, партия ва халқнинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида сарфлаган куч-ғайратлари катта самаралар берди.

Бироқ, дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш анча кўпайганлигига қарамай, партия қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини қаттиқ танқид қилмоқда, камчиликларни очиб ташламоқда.

КПСС Марказий Комитети дон, гўшт, сут ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш даражаси ҳали ҳам мутлақо етарли эмас, деб ҳисоблайди. Бу маҳсулотларни етиштириш даражаси социалистик хўжалик системасининг жуда катта имкониятларига ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган ва ўсиб бораётган эҳтиёжларга, КПСС XXII съезди халқ моддий фаровонлигини ошириш соҳасида қўйган буюк вазифаларга яраша эмас.

Мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ва халқ истеъмол қиладиган бошқа товарларга бўлган эҳтиёжлари тез ўсмоқда, келгусида эса бу эҳтиёжлар тағин ҳам тезроқ ўса беради. Аҳолининг сони кўпайиб бормоқда, иш ҳақи даражаси ортмоқда, меҳнаткашларнинг реал даромадлари кўпаймоқда. Мамлакатдаги аҳолининг сони 1953 йилдан буён 29 миллион кишига, шу жумладан шаҳар аҳолисининг сони 28 миллион кишига кўпайди. Солиқлар ва заёмга ёзилиш бекор қилинганлигини ҳисобга олганда аҳолининг пул даромадлари 1961 йилда 1953 йилдагига нисбатан 42 миллиард сўм ёки 87 процент кўпайди. Шу сабабли, аҳоли озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, пойафзал ва халқ истеъмол қиладиган бошқа товарларни тобора кўпроқ харид қилиш имкониятига эгадир.

Истеъмол ана шу зайлда ўсиб бораётган бир шароитда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш суръатларини кескин ошириш, бу суръатлар аҳолининг узлуксиз ўсиб бораётган эҳтиёжларига мувофиқ бўлишига, маҳсулотлар етиштириш шу маҳсулотларга бўлган талабдан илгарилаб боришига эришиш талаб қилинар эди. Ваҳоланки, етти йилликнинг дастлабки уч йили ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайиши белгиланган даражадан анча орқада қолди.

Контроль рақамларга мувофиқ, 1961 йилда Россия Федерациясида 5 миллиард 300 миллион пуд дон етиштирилмоғи керак эди, ҳақиқатда эса 4 миллиард 600 миллион пуд дон етиштирилди, худди шунингдек 6 миллион 200 минг тонна ўрнига 4 миллион 500 минг тонна гўшт, 43 миллион 400 минг тонна ўрнига 34 миллион 500 минг тонна сут етиштирилди.

Украина партия ташкилоти, колхоз ва совхозлари КПСС Марказий Комитетининг январь (1961 йил) Пленумида қилинган жиддий танқиддан кейин дон етиштириш соҳасидаги аҳволни тузатиб, етти йиллик топшириқлари даражасига чиқиб олган бўлсалар ҳам, республикада гўшт ва сут етиштириш соҳасида каттагина қолоқликка йўл қўйилди. Украина ССР ўтган йили 3 миллион тонна гўшт етиштирмоғи керак эди, ҳақиқатда 2 миллион 100 минг тонна гўшт етиштирди, худди шунингдек 19 миллион тонна ўрнига 14 миллион 400 минг тонна сут етиштирди. Қанд лавлаги сингари энг керакли техника экинини етиштириш соҳасида ҳам етти йилликнинг топшириғи бажарилмади.

Етти йиллик топшириқлари Қозоғистон ССРда ниҳоятда қониқарсиз бажарилмоқда. 1961 йилда республикада 1 миллиард 300 миллион пуд дон етиштириш мўлжалланган эди, ҳақиқатда 900 миллион пуд дон етиштирилди, атиги 458 миллион пуд дон тайёрланиб, план 57 процент бажарилди. Қозоғистоннинг колхоз ва совхозлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда орқада қолмоқдалар, етти йиллик план топшириқларида республиканинг жамоат чорвачилигини ривожлантириш соҳасидаги бой имкониятлари тўлиқ ҳисобга олинмаган бўлса-да, шунга қарамай улар бу топшириқларни бажармаётирлар.

Белоруссия ССР гўшт ва сут етиштириш соҳасида анча орқада қолиб келмоқда. 1961 йилда 613 минг тонна гўшт етиштириш мўлжалланган эди, ҳақиқатда 402 минг тонна гўшт етиштирилди. Сут етиштириш, шунингдек зиғир етиштириш соҳасидаги топшириқ анча кам бажарилди.

Литва, Латвия ва Эстония ССР гарчи гўшт ва сут етиштириш жиҳатидан тахминан етти йиллик топшириқлари даражасида бораётган бўлсалар ҳам, лекин жамоат чорвачилигини ривожлантириш имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланмаётирлар.

Молдавия ССРнинг колхоз ва совхозлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда жиддий равишда орқада қолмоқда. Республика етти йилликнинг дастлабки уч йилида гўшт етиштириш топшириғини атиги 63 процент ва сут етиштириш топшириғини 81 процент бажарди, узум, мева ва сабзавот етиштириш секин ўсмоқда.

Жуда оз миқдорда гўшт ва сут етиштираётган Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР, Қирғизистон ССР, Туркманистон ССР, Грузия ССР, Озарбайжон ССР ва Арманистон ССР колхоз ва совхозлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги ўз имкониятларидан дуруст фойдаланмаётирлар. Пахтакор республикаларнинг ҳаммаси пахта етиштириш соҳасида етти йиллик топшириқларини бажармаяптилар. Озарбайжон ССР билан Туркманистон ССР айниқса орқада қолмоқда.

Барча республикаларнинг партия ташкилотлари ва меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида сўнгги йилларда катта иш қилганликларини совет кишилари яхши биладилар. Марказий Комитет Пленуми республикаларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда мавжуд камчиликларни қаттиқ танқид қилиш билан бирга, қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи учун, дон, пахта, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни тезроқ кўпайтириш учун партия ва совет ташкилотларининг, ҳар бир коммунистнинг масъулиятини ошириш зарурлигини ғоят жиддий равишда таъкидлаб ўтади. 1959—1961 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш соҳасида етти йиллик топшириқларининг қониқарсиз бажарилганлигига, аввало, қишлоқ хўжалигига раҳбарликдаги катта камчиликлар сабаб бўлди.

Бу камчиликларнинг моҳияти нимадан иборат? Биринчи галда шундан иборатки, кўпгина партия ходимлари қишлоқ хўжалигида ташкилотчилик ишини қатъиян яхшилаш зарурлигини тушуниб олмадилар, ерлардан яхшироқ фойдаланиш йўлида зарур чораларни ўз вақтида кўрмадилар.

Партия ва совет органлари бир томондан, қишлоқ хўжалигини тағин ҳам юксакроқ суръатлар билан ривожлантиришни белгилаган ва дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни эҳтиёжлари назарга олиб планлаштирган бўлсалар, иккинчи томондан, ана шу катта-катта топшириқларни деҳқончиликнинг экстенсив ўт-далали системаси доирасида, яъни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши юксак даражада тараққий этган бironта мамлакат амал қилмаётган система доирасида бажаришга уриндилар. Колхоз ва совхозлар чорва моллар туёғини тез кўпайтиришни, гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни планлаштирдилар-у, айни замонда кўп йиллик ва бир йиллик ўтлар, сули сингари кам маҳсулот берадиган экинларни асосий хашаки экинлар сифатида экиб келдилар, катта-катта майдонларни тоза шудгорга ажратиб қўйдилар, маҳаллий партия ва совет органлари эса бунга аралашмадилар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни тез кўпайтириш вазифасини деҳқончиликнинг асоссиз ўт-далали системаси доирасида ҳал қилишга уриниш керакли натижаларни бера олмас эди ва бера олмайди. Илғор хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ўт-далали системадан деҳқончиликнинг интенсивроқ системаларига қатъиян кўчиб, маккажўхори, қанд лавлаги, нўхат, хашаки дуккакли экинларни кўплаб экишгина барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни тез кўпайтириш учун имконият яратиб бера олади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника таъминоти ишига эътибор бўшаштириб қўйилганлигини нотўғри деб ҳисоблайди. Мамлакатда машинасозлик юксак даражада тараққий этган бир шароитда, тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва запас қисмлар тайёрлаш учун ишлаб чиқариш қувватлари секин кўпайтирилмоқда, шу мақсадлар учун янги корхоналар қурилмаётир. Сўнгги йилларда эҳтиёж ошиб кетганига қарамай ишлаб чиқарилаётган ва қишлоқ хўжалигига етказиб берилаётган маккажўхори ва силос йиғиштирувчи комбайнлар, сеялкалар, культиваторлар ва бошқа машиналар сони камайтириб юборилди. Тракторлар, дон, лавлаги ва картошка йиғиштириб оладиган комбайнлар, прицепли автомашиналар ва бошқа транспорт воситалари, чорвачилик фермаларини механизациялаш учун машиналар ва ускуналар, минерал ўғитлар, гербицидлар, бинокорлик материаллари кам етказиб берилмоқда. Етти йилликнинг дастлабки уч йилида минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган янги қувватларни фойдаланишга топшириш плани атиги 44 процент бажарилди.

Айни маҳалда СССР Госплани, СССР Давлат иқтисодий кенгаши, СССР Министрлар Советининг Химия давлат комитети ва кўпгина халқ хўжалиги кенгашларининг баъзи бир раҳбар ходимлари ўртасида қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини ривожлантиришга доир нечиктириб бўлмайдиган масалаларни ҳал қилишда бепарволик ва масъулиятсизлик кўрсатиш ҳоллари пайдо бўлди. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ҳаётий муҳим ишга бундай нотўғри муносабатда бўлиш ҳолларини қатъиян қоралайди ҳамда колхоз ва совхозларни моддий-техника воситалари билан қуроллантиришни кучайтириш партиянинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сира кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан биридир, деб ҳисоблайди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми КПСС Марказий Комитетининг Президиуми қишлоқ хўжалиги соҳасида съезд қарорларини ва КПСС Программасини амалда бажариш юзасидан катта ишни партия XXII съездидан кейиноқ дарҳол кенг авж олдириб юборганлигини мамнуний билан таъкидлайди.

Қишлоқ хўжалигига бағишлаб КПСС Марказий Комитети ўтказган зона кенгашлари қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун зўр аҳамиятга эгадир. Кенгашлар вақтида кенг кўламда тажрибалар ўртоқлашилди, қишлоқ хўжалигига раҳбарликдаги катта-катта камчиликлар очиб ташланди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Кенгашлар мамлакатнинг ҳамма районлари ва зоналаридаги колхоз ва совхозлар дон, пахта, қанд лавлаги, гўшт, сут, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни тезроқ кўпайтирмоқ учун нақадар улкан резервларга эга эканликларини кўрсатиб берди.

Партия коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида колхоз ва совхозларга нисбатан давлатнинг заказлари асосида, халқ эҳтиёжларига асосланган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдан иборат принципиал янги талаб қўймоқда. Бунинг учун ҳозир ҳамма имкониятлар вужудга келтирилмоқда. Ўт-далали система — деҳқончиликнинг экстенсив системасидир. Хўжаликни бошқаришнинг интенсив формасини жорий қилмоқ учун қатъият билан кураш олиб борилди, ўтлар ва каммаҳсул бошқа экинлар ўрнига сарфланган меҳнат, ҳайдаладиган ҳар гектар ер эвазига кўпроқ миқдорда маҳсулот олиш имконини берадиган серҳосил экинлар экиш керак. Маккажўхори, нўхат, хашаки дуккакли экинлар, чорвага едириладиган қанд лавлаги сингари қиммат ли экинларни кўпроқ экиш зарур. Қишлоқ хўжалигидаги ишларни механизациялаш даражасини оширмоқ керак. Қишлоқ хўжалигимизда ана шу янги катта вазифаларни ҳал қилишга қодир бўлган ажойиб кадрлар бор.

Аммо, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқариш чинакам ташкил этилмаса, имкониятларнинг ўзидан ҳеч нарса чиқмайди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг мавжуд структураси юксак талабларга мувофиқ эмас, бу структура социалистик қишлоқ хўжалигида мавжуд резервлардан фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўймоқда ва бу структурани тамомила қайта қуриш лозим, деб ҳисоблайди. Аслини олганда, бизда қишлоқ хўжалигини чинакам бошқарадиган, маҳсулотлар етиштириш ва тайёрлашни ташкил этиш билан шуғулланадиган, колхоз ва совхозларнинг эҳтиёжларини чуқур ўрганадиган, ерлардан, техникадан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан самаралироқ фойдаланиш учун курашадиган орган йўқ. Қишлоқ хўжалигини бошқаришни тамомила қайтадан қуриб, уни ишлаб чиқаришга яқинлаштириш, конкрет ва оператив ишлайдиган қилиш зарур.

Марказий Комитет ва ҳукумат сўнгги вақтларда қишлоқ хўжалик органларини қайта қуриш соҳасида маълум ишни амалга оширдилар. Қишлоқ хўжалик министрлиги қайта ташкил этилиб, бу министрликнинг эътибори қишлоқ хўжалик фани ва қишлоқ хўжалик таълимини ривожлантириш, фан ютуқлари ва илғор тажрибани ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш масалаларига қаратилди. «Союзсельхозтехника» Қишлоқ хўжалик министрлиги системасидан ажратиб олинди. Тайёрлов аппарати қайта ташкил қилинди.

Бироқ, қишлоқ хўжалик органларининг қайта ташкил этилиши ишлаб чиқариш доирасига, колхоз ва совхозларга бевосита раҳбарлик қилиш масалаларига татбиқ этилмади. Бу эса энг асосий масаладир. Партия ташкилотлари қишлоқ хўжалигига раҳбарликдаги амалий ишларида бирор колхоз ва совхозни ҳам эътибордан четда қолдирмасликлари, ҳар қайси хўжаликдаги имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга актив таъсир ўтказишлари керак.

Кўпгина партия ва совет органлари машина-трактор станциялари қайта ташкил этилганлиги ва техника колхозларга сотилганлиги натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида вужудга келган янги вазиятни тушуниб олмадилар. Ана шу революцион тадбирни амалга оширишдан мақсад қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга кенг майдон очиб бериш, ер билан техникани бир қўлда — колхозларнинг қўлида бирлаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишда колхозларнинг ташаббускорлигига кенг йўл очиб қўйиш ҳамда ер ва техникадан яхшироқ фойдаланиш учун уларнинг масъулиятини ошириш эди.

Машина-трактор станцияларининг қайта ташкил этилганлиги партия ва совет органларининг колхоз ишлаб чиқаришини ташкил этишдаги масъулиятини камайтирмади, балки бунинг аксича уларнинг масъулиятини ошириб юборди. Агар муайян босқичда колхоз ишлаб чиқаришининг ташкилотчилари вазифасини маълум даражада МТС-лар бажариб келган бўлса, колхоз ва совхозлар анча ўсган ҳозирги шароитда колхозлардаги ишлаб чиқаришни ташкил этишни бошқариш ва контроль қилишнинг янги, мукаммалроқ формаларини ишга солиш лозим бўлади. Ваҳоланки, партия ва совет органлари томонидан колхоз ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилиш формалари кўп жиҳатдан ўзгармасдан, МТСлар қайта ташкил этилганга қадар қандай бўлса шу ҳолича қолаверди.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарликни жиддий равишда қайта қуриш заруратини шу нарса ҳам тақозо этмоқдаки, сўнгги вақтларда совхозларнинг дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришдаги роли анча ошиб кетди. Мамлакатда, хусусан қўриқ ерлар ўзлаштирилганлиги муносабати билан, уч мингдан ортиқ йирик совхоз ташкил қилинди.

Ҳозир колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига раҳбарлик қилиш масалалари биринчи ўринга кўйилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ҳисоблайдики, қишлоқ хўжалигини бошқариш органларини тузиш керак бу органлар планлаштириш билан шуғулланадиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашнинг қандай бораётганлигини контроль қилиб турадиган ҳар қайси колхоз ва совхозда ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишига амалда актив таъсир ўтказадиган ҳамда мамлакатни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш учун жавоб берадиган бўлсинлар. Бир хил иқлим ва тупроқ шароитида бўлган колхоз ва совхозлар сарф қилинган меҳнат бирлиги эвазига тамомила ҳар хил натижаларга эришиб келаётганлигидан иборат шармандали аҳволга барҳам бермоқ зарур. Бундай аҳволнинг юз беришига, аввало, илғор хўжаликлардан орқада қолаётган колхоз ва совхозларга тегишли раҳбарлик қилинмаётганлиги, уларда муайян мақсадни кўзлаб ғайрат билан иш олиб борилмаётганлиги сабаб бўлмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми **қарор қилади:**

1. Мамлакатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондириши ҳамда меҳнаткашларнинг турмуш даражасини янада оширишни жуда қисқа муддатда таъминламоқ учун қишлоқ хўжалигини кучли суратда юксалтириш — коммунистик қурилишнинг энг асосий ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

Мамлакатнинг барча партия ташкилотларига қишлоқ хўжалиги соҳасида XXII съезд қарорлари ва КПСС янги Программасини бажариш йўлидаги ўз ишларида Марказий Комитет Президиуми ишлаб чиққан ҳамда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи ва партиянинг қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш соҳасидаги вазифалари» тўғрисидаги докладида баён қилинган конкрет тадбирларга амал қилиш вазифаси юклатилсин.

2. КПСС Марказий Комитети Президиумига ва СССР Министрлар Советига областлар, ўлкалар ва республикаларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қиладиган (қайси форма — колхозларми ёки совхозлар устун туришига қараб) территориал колхоз-совхоз ёки совхоз-колхоз ишлаб чиқариш бошқармалари ҳамда қишлоқ хўжалиги комитетлари ташкил этишни назарда тутиб мамлакатда қишлоқ хўжалигини бошқаришни қайта қуришнинг амалга ошириш вазифаси топширилсин. Республикалар, ўлкалар ва областларда қишлоқ хўжалиги комитетларига Компартия Марказий Комитетининг, ўлка ва область партия комитетининг биринчи секретари бошчилик қилади. Марказда қишлоқ хўжалиги Иттифоқ комитети ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Ишлаб чиқариш бошқармалари демократик негизда тузилмоғи керак, чунки улар ҳам колхозлар билан, ҳам совхозлар билан шуғулланадилар. Районлараро территориал колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларида иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ёки ўлка ва область партия комитетлари партия ташкилотчиларининг бўлиши мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва республикалар Министрлар Советлари колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларига ва қишлоқ хўжалик комитетлари тўғрисида низом ишлаб чиқсинлар.

3. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўт-далали системани фан нуқтаи назаридан асоссиз система деб, социалистик қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз система деб қоралайди. Ўт-далали системадан деҳқончиликнинг интенсивроқ системаларига қатъиян ўтиб, сермаҳсул чопиқ қилинадиган ва дуккакли экинларни — маккажўхори, қанд лавлаги, сабзи, нўхат, хашаки дуккакли экинларни кўпроқ экиш керак, бу экинлар ерлардан фойдаланишни тубдан яхшилаш, чорвани ем-хашак билан мўл-кўл таъминлаш, зарур миқдорларда дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш имконятини беради. Маҳсулот бирлиги етиштиришга энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда ҳар гектар ердан энг кўп миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олишга мўлжалланган экин майдонларининг ҳаётий, муайян мақсадни кўзлаган структурасини жонсиз ўт-далали схемага қарама-қарши қўймоқ керак.

Иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, область ва ўлка партия комитетларига, область ва ўлка ижроия комитетларига 1962 йилдаёқ энг серҳосил экинлар экишни анча кенгайтиришга, дон, ем-хашак, техника экинлари — қанд лавлаги, пахта, зиғир, конопля, мойли экинлар ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни кескин кўпайтиришга эришмоқ учун колхоз ва совхозларда экин майдонлари структурасининг қайта қараб чиқилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

(Давоми иккинчи бетда)

КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИ ВА ПАРТИЯНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА РАҲБАРЛИКНИ ЯХШИЛАШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Пленумининг ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ доклади юзасидан 1962 йил 9 мартда қабул қилган

ҚАРОРИ

(Боши биринчи бетда)

Дон етиштиришни кўпайтириш соҳасида куч-ғайратни энг муҳим экинлар бўлган буғдой, маккажўхори, нўхат, соя ва бошқа дуккакли дон экинлари, шунингдек крупа бўладиган экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва бу экинлар майдонини кенгайтиришга қаратиш зарур.

Чорвачиликни ривожлантириш, мамлакатни гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар билан таъминдаш вазифаларини ҳал қилиш соҳасида энг асосий куч-ғайрат ем-хашак етиштиришни кўпайтиришга қаратилмоғи керак. Ҳар қайси колхоз ва совхозда сўтали маккажўхори, чорвага ем-риладиган қанд лавлаги, нўхат, хашаки дуккакли экинлардан мўл ҳосил етиштиришга кишиларни ўргатиш лозим. Ана шу экинлардан мўл ҳосил олиш учун кураш — гўшт мўл-кўллиги учун, сут мўл-кўллиги учун кураш демакдир.

Марказий Комитет Пленуми колхоз ва совхозларнинг раҳбарларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, бригада бошлиқларини, ферма мудирларини хўжаликни ҳисоб-китоб билан, тежаб-тергаб бошқаришга чақиради. Экинларни уларнинг тўйимлилик хусусиятларига қараб тўғри танлаш, у ёки бу экин ҳайдаладиган ҳар гектар ер ва сарфланган меҳнат эвазига қанча миқдорда озуқа бирлиги беражагини ҳисоблаш керак. Мана шундай қилганларгина хўжаликни оқилона тарзда бошқариш, маҳсулот етиштиришни узлуксиз кўпайтиришни таъминлаб туриш, колхоз ва совхознинг ривожланиш перспективасини кўриб туриш мумкин.

Гўшт етиштириши кўпайтириш учун курашда қуйидаги янги юксак марраларни эгаллаш лозим бўлади:

Биринчи босқичда — ҳайдаладиган ҳар юз гектар ер ҳисобига 75 центнер ва бошқа ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 16 центнер гўшт етиштириш керак. Ҳар қайси хўжалик учун бу — яқин йилларга мўлжалланган минимум программадир. Ана шу программанинг бажарилиши мамлакатимизга аҳоли жон бошига гўшт етиштириш жиҳатидан Америка Қўшма Штатларига етиб олиш имкониятини беради.

Иккинчи босқичда — ҳайдаладиган ҳар юз гектар ер ҳисобига 100 центнер гўшт етиштириш керак. Илғор хўжаликлар ҳозирдаёқ бу даражага эришдилар, бошқа колхоз ва совхозларни шу хўжаликлар тажрибаси асосида ўргатиб, уларни ҳам илғорлар даражасига кўтариш зарур.

Учинчи босқичда — ҳайдаладиган ҳар юз гектар ер ҳисобига 150 центнер гўшт етиштириш керак. Бундай даражага эришган хўжаликларни коммунистик мўл-кўлчиликнинг энг яхши натижаларга эришган илғор курашчилар сифатида муносиб равишда тақдирламоқ лозим. Бундай илғор хўжаликлар, новаторларнинг номлари умумхалқ ҳурматининг «Қизил китоби»га ёзиб борилади.

Шунга мувофиқ равишда ҳар бир зона хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, биринчи, иккинчи ва учинчи босқичлар учун сут етиштириш даражаси ҳам белгилаб олинмоғи керак.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қуйидаги миқдорларда ҳосил олишга эришишни партия ва комсомол ташкилотлари, колхоз ва совхозлар олдига вазифа қилиб қўяди:

Бугдой ва бошқа дон экинлари гектаридан	20—25 центнер
Маккажўхори дони гектаридан	50 центнер
Нўхат гектаридан	20—30 центнер
Хашаки дуккакли экинлар дони гектаридан	20—30 центнер
Силосбоп маккажўхори гектаридан	300—500 центнер
Силосбоп хашаки дуккакли экинлар гектаридан	200—300 центнер
Қанд лавлаги гектаридан	200—250 центнер
Пахта ҳар қайси колхоз ва совхозда гектаридан камида	25 центнер
Кунгабоқар гектаридан	20 центнер
Картошка гектаридан	120—200 центнер
Сабзавот гектаридан	250—300 центнер

4. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми «Союзсельхозтехника» органларининг колхоз ва совхозларнинг моддий-техника таъминоти соҳасидаги, шунингдек Қишлоқ хўжалик министрлигининг қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот муассасаларига раҳбарлик қилиш, фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги учун мутахассис кадрлар тайёрлаб бериш соҳасидаги ишларини яхшилаш зарурлигига эътиборни жалб қилади.

Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси, илмий-тадқиқот институтлари ва тажриба станцияларининг диққат-эътибори селекциячилик ишларини яхшилаш ҳамда колхоз ва совхозларни қишлоқ хўжалик экинларининг энг яхши серҳосил навлари билан таъминлаш; наслчилик ишларини ривожлантириш ҳамда колхоз ва совхозларни энг сермаҳсул зотли чорва моллар ва паррандалар билан таъминлаш; ҳайвонларнинг касалликлари ва паразитларига қарши, шунингдек ўсимликларнинг касалликлари ва зараркунандаларига қарши кураш воситаларини кидириб топиш; «Союзсельхозтехника» билан биргаликда қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва химизациялаш, минерал ва органик ўғитлардан тўғри фойдаланиш, суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш масалаларини ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бошқа илмий проблемаларни ишлаб чиқиш сингари масалаларни ҳал қилишга қаратилмоғи керак. Қишлоқ хўжалик министрлиги қардош социалистик мамлакатлардаги фан муваффақиятларини ва қишлоқ хўжалигини бошқариш практикасининг муваффақиятларини чуқурроқ ўрганмоғи, бу мамлакатларнинг тажрибасидан кенгроқ фойдаланмоғи лозим. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия ташкилотларининг эътиборини илмий-тадқиқот муассасаларига раҳбарликни яхшилаш, бу муассасаларни қишлоқ хўжалик мутахассислари ва айниқса талантли ёшлар ҳисобига мунтазам равишда янги ижодий кучлар билан тўлдириб бориш зарурлигига жалб этади.

5. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ҳисоблайдики, илғор хўжаликлар, колхоз ва совхозларнинг новаторлари ишлаб чиқаришнинг юксак даражасига ва қишлоқ хўжалигида юксак меҳнат унумдорлигига эришиш сари йўл очиб берган ҳозирги вақтда кишиларни энг яхши меҳнат намуналари асосида ўқитиш, фан муваффақиятлари, илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш партия ташкилотларининг ташкилотчилик ишида энг асосий масала бўлмоғи керак. Илғор хўжаликларда қўлланилаётган ва бу хўжаликларнинг ишлаб чиқаришда юксак даражага эришувини таъминлаётган усуллар ҳамма колхоз ва совхозларда татбиқ қилинадиган бўлиши лозим. Илғорлар тажрибасини ўрганиш ва жорий қилишни ҳар бир раҳбар ва мутахассиснинг, ҳар бир коммунист ва комсомолнинг ихтиёрий иши деб билмай, балки бурчи деб билмоқ керак. Партия барча колхозчиларни, совхозларнинг ишчиларини ўз ишини ўрганишга, меҳнатнинг илғор методларини эгаллаб олишга даъват этади.

Колхозларни, совхозларни, бригадаларни тажрибали ташкилотчи ва мутахассис кадрлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқ керак. Партия ва комсомол ташкилотлари ҳозирги вақтда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ишлаб турган, шунингдек муассасаларда идора ишлари билан банд бўлган агрономлар, зоотехниклар, инженер-механизаторларни қишлоқ хўжалигига жалб этиш соҳасидаги ишни кенг авж олдириб юборишлари лозим. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил қилишда агроном зоотехник, ветеринария врачи, инженер-механизаторнинг ролини ошириш, колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик мутахассисларига зарур моддий-маиший шароитлар яратиб бериш тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак.

6. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан колхозчилар, совхоз ишчилари, мутахассисларнинг моддий манфаатдорлиги принципини изчиллик билан амалга ошириш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини яна бир марта таъкидлаб ўтади. Меҳнатга тўланадиган ҳақ ҳисобига ой сайин аванслар бериб бориш соҳасида белгиланган тартибга ҳамма колхозларда қаттиқ риоя қилинишига, ишлаб чиқариш ўсган ва меҳнат унумдорлиги ошган сайин колхозчилар, совхоз ишчилари ва мутахассисларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ муттасил кўпая боришига эришмоқ керак. Колхозларда меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш ва совхозларда меҳнатга аккорд усулида устама ҳақ тўлаш тартибини кенг жорий қилиш зарур.

Иқтисодий жиҳатдан ўзини мустаҳкамлаб олмаган колхозларни юқори ташкилотлар уларни ўз маблағлари ҳисобига мактаблар, касалхоналар, мактаб-интернатлар қуришга мажбур этишидан иборат практика нотўғри практика деб қоралансин.

7. КПСС Марказий Комитети Президиумига ва СССР Министрлар Советига қишлоқ хўжалигининг моддий-техника таъминотини кучайтириш юзасидан кенг программа ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, бу программада тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, чорвачиликдаги ишларни механизациялаш учун ускуналар, юк ортиш-юк тушириш ва транспорт воситалари, тупроққа органик ўғит соладиган машиналар ва ускуналар, запас қисмлар, минерал ўғитлар, гербицидлар ва ўсимликларни муҳофаза қилишнинг бошқа химиявий воситалари, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ҳамда етказиб беришни анча кўпайтиришни, шунингдек қишлоқ хўжалик техникаси, запас қисмларнинг нархларини ҳамда халқ хўжалиги кенгашлари ва «Союзсельхозтехника» корхоналарида бажариладиган ремонт ишлари учун тўланадиган ҳақни тартибга солишни назарда тутиш вазифаси топширилсин.

Маввуд тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришни, янги заводлар қурилишини жадаллаштиришни ҳамда саноатнинг бошқа тармоқларидаги бир қанча заводларни қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқаришга жалб этишни кўзда тутиш зарур. Тракторсозликни ва қишлоқ хўжалик машинасозлигини ҳамда минерал ўғитлар, заҳарли дориворлар ва ўсимликларни муҳофаза этувчи бошқа воситалар ишлаб чиқарадиган химия саноатини ривожлантиришга сарфлаш учун қўшимча миқдорда капитал маблағлар қидириб топиш керак.

Автоматлаштириш ва машинасозлик комитетига, «Союзсельхозтехника»га, халқ хўжалиги кенгашларига, илмий тадқиқот институтларига ҳамда тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларининг конструкторлик бюроларига қишлоқ хўжалигида техника тараққиётини зўр бериб амалга ошириш, янги, тағин ҳам унумлироқ ишлайдиган техникани кенг жорий қилиш вазифаси юклатилсин. Вазифа шундан иборатки, юқори тезликда ишлашга мослаштирилган кучлироқ тракторларни, меҳнат унумдорлигини анча ошириш имкониятини берадиган ва кенг ерни қамраб ишлай оладиган машиналарни ишлаб чиқаришга тезроқ ўтиш, бир машинанинг ўзидан бир неча ишни бажаришда фойдаланиш мумкин бўлсин учун машиналарни бутун чоралар билан универсаллаштиришга ҳаракат қилиш керак.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мавжуд техникадан фойдаланишни яхшилаш лозимлигига партия ва совет органларининг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг эътиборини алоҳида жалб қилиб ўтади. Колхоз ва совхозларда талай миқдордаги машиналар яхши ремонт қилинмаганлиги ва уларга дуруст қараб турилмаганлиги, механизатор кадрларнинг малакаси паст бўлиши орқасида бекор туриб қолмоқдаки, бунга тоқат қилиб бўлмайди. Механизатор кадрлар тайёрлашни яхшилаш, тракторлар, комбайнлар ва бошқа барча машиналардан фойдаланиш ҳамда уларни ремонт қилишда қаттиқ тартиб ўрнатиш, техникани авайлаб асрамаётган, машина ва ускуналарнинг бекор туриб қолишига йўл қўяётган ходимларга нисбатан муросасизлик билан қараш лозим.

8. Иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қилиб оладиган ва қайта ишлайдиган моддий-техника базаси (дон омборлари, элеваторлар, чорва молларни ва паррандаларни қабул қилиб оладиган ва қайта ишлайдиган гўшт комбинатлари, музхоналар, сут қабул қилиш пунктлари ва сут заводлари) қурилишини, шунингдек колхоз ва совхозларда чорвачилик, уруғлик ва ем сақлаш учун ишлаб чиқариш бинолари қурилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

9. Қишлоқ хўжалиги соҳасида қўйилган вазифаларни муваффақиятли суратда бажармоқ учун фурсатни қўлдан бой бермаслик ҳамда аҳолининг гўшт, сут, ёғ ва бошқа маҳсулотларга бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида шу йилнинг ўзидаёқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтиришга эришмоқ учун ҳамма чораларни кўриш керак.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия ва совет органларига, касаба союз, комсомол ташкилотларига, колхоз, совхозларнинг барча раҳбарларига ўз куч-ғайратларини кўпламги экишга, экинларни парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиб-териб олишга яхшироқ тайёргарлик кўришга қаратиш, оммаминг активлигига бошчилик қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан иборат умумхалқ мусобақасини кенг авж олдириш вазифасини юклайди.

* * *

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш — коммунистик қурилишнинг энг асосий, кечиктириб бўлмайдиган ва айни замонда қийин вазифаларидан биридир. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиш даражаси халқнинг фаровонлигини, мамлакатнинг коммунистик маъмурчилик йўлидан илгарилаб боришини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Мана шунинг учун қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш бутун партиянинг иши, бутун халқнинг иши бўлиб қолмоғи керак.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қаттиқ ишонч билдирадики, қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш соҳасида белгиланган тадбирларнинг амалга оширилишини ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар — бутун совет халқи қизғин қувватлайди, бу тадбирларнинг амалга оширилиши партия ташкилотларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг аҳволи учун масъулиятини оширади, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини яратиш соҳасида КПСС XXII съезди илгари сурган вазифани қисқа муддатларда муваффақиятли бажаришга имкон беради.

Ана шу вазифани ҳал қилиш билан биз экономикани ривожлантиришда энг асосий марралардан бирини эгаллаган бўламиз, партиямиз Программасини амалга ошириш учун курашда тарихий ғалаба қозонамиз. Бу эса, коммунизм тантанаси учун курашда халқларни руҳлантираётган марксча-ленинча таълимотнинг янги ғалабаси бўлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

9 март эрталабки мажлисда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи ва партиянинг қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш соҳасидаги вазифалари» тўғрисидаги докладини муҳокама қилишни давом эттирди.

КПСС Тамбов область комитетининг биринчи секретари **Г. С. Золотухин** ўз нутқида бундай деди: Н. С. Хрушчевнинг докладида қишлоқ хўжалигини кескин суратда янада юксалтириш йўллари тўғрисида айтилган фикрларнинг ҳаммаси совет кишиларининг асл ўй ва тилакларини акс эттиради ва партия, бутун совет халқи ана шу фикрларни якдиллик билан маъқулламоқда.

Тамбов области, деб сўзини давом эттиради ўртоқ Золотухин, дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришнинг йирик райони бўлиб қолиш учун жуда катта резервларга эгадир. Аммо, бу резервлардан ҳали жуда сust фойдаланилмоқда. Марказий Комитет бунинг учун бизни тўғри танқид қилди.

Нотиқ бу йил областдаги колхоз ва совхозларда 54 минг тонна гўшт (сўйилган вазнда) етиштириш учун реал шарт-шароит вужудга келтирилганлигини айтди.

Ўртоқ Золотухин қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш тўғрисида гапириб, қуйидагиларни айтди: Деҳқончилик системасининг революцион тарзда қайта тузилиши, деҳқончиликнинг интенсивлаштирилиши областда ялпи ғалла ҳосилини яқин йиллар ичида 200-220 миллион пудга етказиш ва ем-хашак етиштиришни ҳайдаладиган юз гектар майдон ҳисобига 120 центнер гўшт (сўйилган вазнда) ва қишлоқ хўжалигига яроқли ҳар юз гектар ер ҳисобига 900 центнердан сут беришни таъминлайдиган миқдорда кўпайтириш имконини беради. Бу йил тоза шудгорга барҳам берилади, ўт экиладиган майдонлар кескин суратда камайтирилади, нўхат, хашаки дуккакли экинлар, қанд лавлаги, кузги буғдой майдонлари кенгайтирилади. Областдаги колхоз ва совхозлар бу йил маккажўхори майдонларини 510 минг гектаргача кўпайтиришга қарор бердилар.

Нотиқ қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш юзасидан Н. С. Хрушчевнинг докладида баён қилинган конкрет тадбирларни тамомила қувватлайди.

Эндиликда, дейди ўртоқ Золотухин, қишлоқ хўжалигидан бехабар бўлган ва уни менсимаган, шахсга сиғиниш даврида қишлоқ хўжалигини учинчи даражали ўринга суриб қўйиб, унинг талаблари ва эҳтиёжлари билан ҳисоблашмаган шўринг қурғур назариётчиларга қатъий зарба берилди.

Марказий Комитетнинг шу Пленумида қабул қилинадиган қарорлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда жуда катта роль ўйнайди ва халқнинг ижодий ташаббуси ва ғайратига кенг йўл очиб беради.

Львов область партия комитетининг биринчи секретари **И. С. Грушецкий** ўз нутқида қуйидагиларни айтади: Қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш юзасидан шу Пленумда муҳокама қилинаётган таклифлар жуда муҳим аҳамиятга эгадир ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтиришда, шубҳасиз, катта роль ўйнайди.

Нотиқ айтадики, область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ишлаб чиқариш резервларини ишга солмоқдалар. Бу йил бутун экин майдонининг 61,5 процентига дон ва дон-дуккакли экинлар экилади. Тупроққа органик минерал аралашмалар солишга, шўрҳок ерларга оҳак бериш, академик Т. Д. Лисенко методига мувофиқ, ғўнгторф компостларини тайёрлашга катта эътибор берилади. Ботқоқ ерларни ва сернам ерларни қуритиш ҳисобига чопиқ қилинадиган майдонларни кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Кейинги йилларда областда 68 минг гектар ботқоқ ер қуритилди ва бу ерлардаги тўнкалар суғириб олинди. Бу йил яна 45 минг гектар ботқоқ ерларни қуритиш ва ишга солиш кўзда тутилади.

Партия ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, дейди нотиқ, ўтган йили маккажўхори етиштиришда рўй берган камчиликлардан жиддий сабоқ олдилар. Бу йил маккажўхорининг энг нўп ҳосилли уруғлари экилади. Ҳозирги вақтда колхозчиларга, механизаторларга маккажўхори етиштиришнинг илғор методлари оммавий суратда ўргатилмоқда.

Ўртоқ Грушецкий раҳбар кадрлар танлаш, уларни тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш тўғрисида гапиради. Ҳозирги вақтда 398 колхоз раисидан 325 киши олий, тўлиқсиз олий ва ўрта махсус билимга эгадир, 175 раис қишлоқ хўжалиги мутахассисидир, 157 раис қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари ва техникумларида ўқимоқда.

Моддий-техника таъминоти ва қишлоқ хўжалик машиналари, минерал ўғитлар, запас қисмлар ва ҳ. ларнинг тартибга солиш масалалари, дейди нотиқ, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир. Областдаги колхоз ва совхозлар кейинги йилларда трактор, комбайнларни ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини кам ола бошладилар ва бу машиналарга катта эҳтиёж сезмоқдалар. Торф чиқариш ва уни тупроққа солиш учун керакли техника ҳам етишмаётир. Бу масалалар тезликда ҳал этилиши лозим.

Ўртоқ Грушецкий ўғит ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан бир қанча конкрет тадбирлар киритади. Областда калий ўғитлар ишлаб чиқариш учун ҳом ашё запаслари кўп. Степняк калий комбинатини реконструкция қилиш 1963 йилда ўғит ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириш имконини беради. Маҳаллий арзон хом ашё базасида ўғитлар ишлаб чиқарадиган азотли ўғит комбинатини қуриш масаласини ҳал этиш пайти келган.

Нотиқ қуйидагиларни айтади: қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасида Н. С. Хрушчевнинг Пленумда қилган докладида таъкидлаб ўтилган камчиликлар колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Бошқаришнинг ҳозирги структураси мавжуд бўлган шароитда қишлоқ хўжалиги мутахассисларига раҳбарлик сира ҳам етарли бўлмади.

Ўртоқ Грушецкий ишонч билдириб айтадики, қишлоқ хўжалигига раҳбарликнинг қайта қурилиши қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш соҳасида КПСС XXII съезди кўйган вазифаларни тезликда бажаришга ёрдам беради.

Раислик қилувчи — КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев муҳокаманинг тўхтатиш тўғрисида таклиф тушганлигини хабар қилади. Н. С. Хрушчев докладини муҳокама қилишда 51 киши қатнашди. Пленум музокараларни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевга якунловчи нутқ учун сўз беради.

Шу ерда ҳозир бўлган кишиларнинг ҳаммаси ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг нутқини зўр эътибор билан тинглайдилар. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг нутқи кўп марта гулдурос қарсаклар билан бўлиниб турди.

Шундан кейин, КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири В. И. Поляков Пленум томонидан сайланган комиссия номидан комиссия Н. С. Хрушчев доклади юзасидан қарор проектини ва Мурожаат проектини ишлаб чиққанлигини хабар қилади ва бу проектларни Пленум муҳокамасига тақдим этади.

Пленум ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи ва партиянинг қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш соҳасидаги вазифалари» тўғрисидаги доклади юзасидан қарор ҳамда КПСС Марказий Комитетининг колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, олимларга, саноат ходимларига, коммунистлар ва комсомолларга, Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашларига Мурожаатини якдиллик билан қабул қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

(ТАСС).

Суратда: Ўзбекистон тракторйиғув заводи механика цехининг мастери ўртоқ И. Новиков бир группа ишчиларга КПСС Марказий Комитети Пленумининг материалларини ўқиб бермоқда.

М. Комлев фотоси.

ЁППАСИГА ҚУРОЛСИЗЛАНИШ ВА ТИНЧЛИК УЧУН

Ёппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун курашга бағишланиб 1962 йил 9—14 июлда Москвада бўладиган Жаҳон конгрессига тайёргарлик ва уни ўтказишга ёрдам берувчи Совет комитетининг тузилиши тўғрисида

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг қарорига мувофиқ, шу йил 9—14 июлда Москвада ёппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун курашга бағишланган Жаҳон конгресси бўлади.

Совет жамоатчилиги, бутун совет халқи Жаҳон Тинчлик Кенгашининг бу қарорини зўр миннатдорлик билан кутиб олди. Улар тинчликсевар кучларнинг Москвада бўладиган буюк форумини муваффақиятли ўтказишга бутун чоралар билан ёрдам беришга, тинчлик йўлидаги жаҳон курашини янада кенгайтириш ҳамда ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун ва жаҳон термоядро урушининг олдини олиш учун курашаётган барча ижтимоий ҳаракат ва ташкилотларнинг куч-ғайратини бир оқимга бирлаштириш ишига ўз ҳиссаларини қўшишга астойдил тайёр эканликларини билдирмоқдалар.

Совет Иттифоқида ёппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун курашга бағишланган Жаҳон конгрессига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга ёрдам берувчи комитет тузилганлиги совет кишиларининг ана шу интилишларининг ифодаси бўлди.

Комитет составига қуйидагилар кирди: А. Е. Корнейчук (раис), А. И. Аджубей, В. А. Амбарцумян, Н. У. Базанова, В. Л. Василевская, С. А. Герасимов, Д. П. Горюнов, Б. Жамгирчинов, Н. А. Дигай, Н. Г. Егоричев, Г. А. Жуков, В. М. Кожевников, М. И. Котов, В. И. Кочемасов (раис ўринбосари), Н. М. Кузьмин, А. А. Кулешов, В. С. Молодцов, Н. И. Мусхелишвили, Т. Н. Николаева, С. Нуриддинов, Б. Н. Полевой, Н. В. Попова, Э. Н. Пялль, П. Н. Решетов, П. А. Сатюков, Н. П. Семененко, Л. Н. Соловьев (раис ўринбосари), В. П. Терешкин, Н. С. Тихонов, М. Турсунзода, Е. К. Федоров, З. Т. Федорова, Г. П. Францев, М. А. Харламов, Т. Н. Хренников, В. М. Чхиквадзе, Г. Н. Чухрай, М. А. Шолохов ва И. Г. Эренбург.

Комитетни тузишда қуйидаги совет жамоат ташкилотлари қатнашдилар:

— Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети, СССР Ёзувчилар союзи, Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи совет жамиятлари союзи, СССР Ёшлар ташкилотлари комитети, Совет хотин-қизлари комитети, СССР Журналистлар союзи, Ўруш ветеранлари Совет комитети, СССР Парламент группаси, СССР Рассомлар союзи, СССР Кинематография ходимлари союзи, СССР Архитекторлар союзи, СССР Композиторлар союзи, СССРда БМТ га ёрдам бериш уюшмаси.

Комитет Жаҳон конгресси идеяларини қўллаб-қувватлаш ва омма ўртасида кенг ёйишни, Конгресс чақирилишига ёрдам бериш ва унга тайёргарлик соҳасидаги тадбирларда актив қатнашиш масалалари юзасидан чет эллардаги турли жамоат доиралари, ташкилотлар ва ҳаракатлар билан алоқа боғлашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Комитет барча қитъаларнинг, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун курашувчи барча ижтимоий кучларнинг вакиллари Москвада совет жамоатчилиги томонидан энг самимий ва дўстона кутиб олинишига ёрдам беради.

9 мартда Москвада, Чет эл халқлари билан дўстлик уйида Совет ёрдам комитетининг мажлиси бўлди. Мажлисда А. Е. Корнейчук бўладиган конгресс ҳақида ахборот берди. Комитет ёппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун курашга бағишланган Жаҳон конгрессига кенг тайёргарлик ишларини авж олдириб юборишга ёрдам берадиган тадбирлар планини белгилади.

Кўчат ўтказиш ойлиги

ЯХШИ НИЯТ БИЛАН КЎЧАТ ЭК!

Шу кунда ҳар бир шаҳарлик ватанпарвар шаҳарни кўкаламзорлашга қандай ҳисса қўшдим, бу йил неча туп кўчат экдим, деб ўзига савол бериши керак

☆ ☆ ☆

БОҒДОРЧИЛИК—СЕВГАН КАСБИМИЗ

Ризамат МУСАМУҲАММЕДОВ,
тажрибали соҳибкор, давлат мукофотининг лауреати

□ □ □

Яхши ният билан кўчат эк! Бу гапнинг маъзини чақиб кўринг. Ҳақиқатан ҳам эзгу ният билан экилган кўчатни парвариш қилиб вояга етказгандан кейин унинг мевасини ўз қўлинг билан узиб олиш, эл дастурхонига ноз-неъмат тўкиб, кўпчиликни баҳраманд қилишдан кўра гаштли нарса борми?

Ота-боболаримиз қадимдан боғ-бўстонлар яратиб унинг мевасидан элни баҳраманд қилиб келганлар. Халқимизнинг яхши удуми бор. Қаерни макон қилса, ўша ерга дарров кўчат экади, ҳам соясида роҳатланади, ҳам бола-чақасининг оғзини чучутади. Оилада янги фарзанд туғилганда унга атаб ниҳол ўтқазиш одат бўлиб келган. Биз кўз очиб узум, олма ва бошқа меваларни кўрганмиз. Унинг шарбатини тотиб катта бўлганмиз. Оналаримиз беланчагимизни ишкомларга, мева дарахтларига осиб аллалаганлар. Йиғлаганимизда сўғуч ўрнига узумнинг ғужумини сўрдирганлар. Шунинг учун ҳам мевачилик бизнинг қонимизга сингиб кетган.

Боғдорчилик ўзбек халқининг қадим замонлардан бери энг севимли касби. Бир туп дарахтда бир неча хил мева ўстириб ҳаммани ҳайратда қолдирадиган, бир туп токдан тонналаб узум оладиган ажойиб соҳибкорларимиз ўз тажрибаларини авлоддан-авлодга ўтказиб мерос қолдириб келганлар. Бизнинг бу кунги соя-салқин, серҳосил мевазорларимиз, токзорларимиз ана шундай боғбонларимизнинг ҳавасмандлик билан қилган меҳнатларининг ширин самарасидир.

Республикамизнинг иқлими ва тупроқ шароити мева дарахтлари ва ток ўстириш, улардан истаганча юқори ҳосил олиш учун жуда ҳам қулайдир. Бизда етиштирилган узум, олма ва бошқа хилма-хил мевалар ўзининг ҳуштаъминлиги, ширадорлиги, шаклининг чиройлилиги, узоқ туриши ва олис жойларга юборишга чидамлилиги билан иттифоқимиздагина эмас, балки мамлакатимиздан ташқарида ҳам ҳаммага манзур бўлади.

Илгари мева дарахтлари айрим хусусий хўжаликларнинг майда, бўлтак ерларида тартибсиз ҳолда ўстирилиб мева етиштириш оғир машаққат эди. Фақат қўл меҳнати, кетмоннинг зўри билан ҳосил олинар эди.

Партия ва ҳукумат республикамизда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришга жуда катта аҳамият беришлари туфайли кейинги йилларда колхоз ва совхозларимизда кенг майдонларда янги боғ ва токзорлар барпо қилинди. Махсус боғдорчилик совхозлари тузилди. Бу жиҳатдан Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози боғбонларининг қилаётган ишлари намуна бўларлидир. Бу колхозда кейинги 6—7 йил мобайнида 1000 гектар ерда янги боғлар вужудга келтирилди.

Илгари боғдорчилик билан фақат кекса соҳибкорлар шуғулланиб келардилар. Сўнгги йилларда уларнинг тажрибасини фан ютуқлари билан бойитиб мевачиликни ривожлантириш йўлида самарали ишлаб келаётган жуда кўп ёш боғбонлар, агрономлар, мевачилик мутахассислари етишиб чиқди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари каби мевачилик ишлари ҳам илғор агротехника асосида олиб борилмоқда. Олимларимиз, тажрибакорларимиз мева дарахтлари ва токнинг серҳосил, янгидан-янги ажойиб навларини яратиб бермоқдалар. Мевачилик ишлари кенг равишда механизациялаштирилмоқда. Ер ҳайдашдан тортиб чуқур кавлаш, кўчат экиш, қатор ораларини ишлаш, токни кўмиш каби энг оғир ишлар машиналар билан бажариладиган бўлди.

Бироқ ана шу имкониятлардан етарли фойдаланилмаётир. Экилган мева кўчатлари яхши парвариш қилинмайди. Шунинг натижасида кўпгина кўчатлар қуриб қолади. Айниқса боғ ва токзорларнинг ҳосилдорлиги жиҳатидан биз пахтакорларимиз ва чорвадорларимиздан анча орқада қолмоқдамиз. Илғор сут соғувчилар бир сигирдан йил давомида 4—5 минг килограмм сут соғиб олаётгани ҳолда, республикамиз бўйича ҳар гектар боғдан олинаётган мева ҳосили 4—5 тоннадан ошмаётир. Шундай экан, боғбонларимиз ҳосилдорликни ошириш ҳақида жиддийроқ ўйлашлари керак. Агар биз боғларимизнинг ҳосилдорлигини республика бўйича ўрта ҳисобда гектарига 20 тоннага етказишга эришсак, аҳолининг мевага бўлган талабини истаганча қондиришимиз мумкин.

Бизда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун битмас-туганмас имкониятлар бор. Мева дарахтлари ва ток бошқа экинлар учун ярокли бўлмаган тоғ ёнбағирларида, тошлоқ, зах-каш ерларда, ҳатто ламмикор ерларда ҳам ўсаберади. Гап шундаки, аввало боғдорчиликни кенгайтириш учун ҳавасманд бўлиш керак. Мен ёшим 80 дан ошиб, умр бўйи боғдорчилик билан шуғулландим. Ўз тажрибаларимни колхоз ва совхозларга ёйиб янги боғлар барпо қилишда уларга ёрдамлашдим. Ҳозир Фарғона водисида, Мирзачўлда, Самарқандда ва бошқа жойларда яратган боғларимиз мўл ҳосил бераяпти. Мен бу билан фахрланаман.

Фарғоналикларнинг яхши одати бор. Қишлоқлардагина эмас, шаҳарлардаги кичкина ҳовлига кирсангиз ҳам сўри гокка, унда каҳрабодек пишиб ётган узумга кўзингиз тушади. Буни ҳар бир хонадон ҳавас қилиши керак. Колхозчиларимиз, совхозларнинг ишчилари ўз томорқаларини, шаҳар аҳолиси ўз ҳовлиларини мева дарахтлари билан тўлдиришлари лозим.

Ҳозир кўчат экишнинг айни палласи. Ҳар бир колхоз ва совхоз кўкламги кўчат экиш юзасидан белгиланган топшириқларни ўз вақтида тўла ва юқори сифатли қилиб бажариши керак. Республикамизда яшовчи аҳолининг ҳар бири бир тупдан кўчат экканда ҳам Совет Ўзбекистонимизни яхлит, бирбутун боққа айлантиришимиз мумкин.

Бу вазифаларни муваффақиятли бажаришда биз кекса соҳибкорлар, боғбонлар зиммасига катта ва фахрли вазифа тушади. Самарқанд область Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхозидаги кексаларнинг ташаббуси билан кейинги 3 йил ичида 30 гектар мевазор боғ, 20 гектар токзор қилинибди. Бундай ажойиб ташаббусни барча колхоз ва совхозларда кенг ёйишимиз керак.

Коммунизм — ноз-неъмат мўл-кўлчилиги демакдир. Бунда халқимизнинг фаровонлиги ва соғлиги учун энг фойдали бўлган мева, узум ва улардан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни тобора кўпайтириш боғбонларимизнинг шарафли бурчидир.

Бу сурат Чиноз районидаги 9-боғдорчилик совхозида олинган. Совхоз боғбонлари ҳозирги кунда дарахтларни буташ, парвариш қилишга киришдилар. Ишчилардан Ғ. Абдусаматов (пастда) ва А. Каримов ўртоқлар дарахтларни парвариш қилишда бошқаларга намуна бўлиб ишламоқдалар.

☆ ☆ ☆

Кўчат экамиз

Келинг, болалар,
Ҳамма болалар!
Ака-опалар
Ота-оналар...
Ким бўлса бўлсин
Сафимиз тўлсин.
Кўмакчи бўлсин,
Экамиз кўчат
Ўтмасин фурсат.
Майли мевали
Майли мевасиз
Ҳар хил экамиз
Сархил экамиз.
Майли шафтоли
Майли ғайноли
Тол, терак
Бинога керак.
Ёнғоқ мағзи ёғ.
Қайрағоч, сада,
Сояси маза.
Олча экамиз
Компот ичамиз.
Экамиз тут
Тўйсин ипак-қурт.
Тартиб билан,
Саф билан.
Кўчалар ёқасига,
Анҳорлар чеккасига,
Ариқларнинг бўйига,
Мактабимиз қўйнига,
Парк-боққа,
Бўш ёққа,
Экамиз кўчат
Ўтмасин фурсат.
Экамиз, қараймиз
Шоҳларини тараймиз.
Қотса тагин
Юмшатиб майин
Сувлаб кун сайин
Ҳеч эринмайин...
Ўссин бехато
Кўчат бебаҳо.
Ҳеч эринмайин,
Юмшатиб тагин,
Сув қуямиз.
Тараб қўямиз.
Япроқ шилдираб,
Ҳавони элаб,
Осмонни қучсин,
Ғуборни ютсин.
Яшил соф ҳаво,
Одамга даво.
Экканга раҳмат.
Ҳаммага роҳат.

Қуддус МУҲАММАДИЙ.

Биринчи шанбалик

Коммунистик меҳнат ва юксак маданият шаҳри номини олиш учун курашаётган Чирчиқдаги бирлашган шифохона ходимлари баҳорги кўчат ўтқазиш ишларини шаҳарда биринчи бўлиб бошлаб юборишдилар. Шифохонада яқинда дастлабки шанбалик ўтказилди. Бош врач ўртоқ Умар Жумабоев кўкаламзорлаштириш планини тузиб чиққан эди.

Бунда хирургия бўлими атрофида 60 туп мевали дарахт, юқумли касалликлар шифохонаси атрофида 150 туп чинор, терак, тут ва бошқа дарахт кўчатлари, марказий йўлкаларга 100 туп манзарали дарахт ўтқазиш кўзда тутилган.

Шанбаликда 25 врач, ҳамширалар қатнашди. Улар аввал кўчатлар ўтқазиш учун чуқурлар қазишди. Сўнгра бир неча ўн туп мевали дарахт ўтқазилди.

Келгуси шанбаликда 120 медицина ходими қатнашмоқчи. Улар шифохонани беморлар бахри-дили очиладиган кўкаламзор жойга айлантиришга аҳд қилишган.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

ЖАМОАТЧИЛИК ЁРДАМИ БИЛАН

Октябрь районида кейинги йилларда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш юзасидан кўпгина ишлар қилинди. Шунинг натижасида районимиз Тошкентнинг энг кўркам ва обод қисмига айланиб бормоқда.

Районимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишида қатнашмайдиган бironта ҳам ташкилот ёки маҳалла йўқ десак бўлади. Улар бу ишга жамоатчилик асосида озми-кўпми маблағ ҳам ажратишади. Ҳаваскор гулчилар, боғбонлар ташаббуси билан районда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари бўйича кўнгилли жамият ташкил қилганмиз.

Жамият аъзолари ва депутатлар комиссияларининг актив иштирокида ўтган йили кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Жумладан 120 минг туп дарахт кўчатлари ва буталар ўтқазилди. Ана шу ниҳолларга ҳаёт бахш этувчи 346 минг метр ариқ ва майда ирригация шохобчалари тозаланди. Оқтепа массивида иккита янги сквер барпо қилинди. Бу ободончилик ишларида Илғор, Тинчлик, Аллон, Зарафшон, Чўпонота — Новза, Чиғатой ва бошқа маҳаллаларнинг аҳолиси, 3-нон заводи, металл буюмлар заводи, 1-тикув, бадиий буюмлар ва «Қизил Юлдуз» фабрикалари каби корхоналарнинг меҳнаткашлари актив қатнашдилар.

Жамоатчиликка таяниб бу йилги кўкламда кўчалар ёқасига 16 минг туп мевали дарахт кўчатлари экишга қарор қилдик. Ҳозир Спутник, Темиртоғ, 5-Қўрғонча, Лангар, Огаҳий ва Алмазная кўчаларида яшовчи ҳонадонлар ўз боғларида етиштирган ва жамоатчилик асосида тўпланган маблағга сотиб олинган нок, олма, олича каби мевали дарахт кўчатлари экиб, кўчаларнинг ҳуснигаҳуси қўш ишлаётир. Бундан ташқари район бўйича 100 минг тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари экиш, 480 минг метр ирригация шохобчаларини тозалаш, Оқтепа массивидаги паркни, Собир Раҳимов, Вилоят ва Абдулла Набиев номли скверларни янада обод ва кўкаламзор қилиш тадбирлари кўрилади.

Районимизда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишига ўз ташаббуси билан муносиб ҳисса қўшаётган айрим кишиларнинг номини тилга олиш лозим. Масалан 2-Оқлон маҳалласида яшовчи инженер Акрамовнинг ҳовлисига кишининг ҳаваси келади. Миришкор инженер ўз ҳовлисини чаманзорга айлантирган. Шу билан бирга у ёнидаги кўча четларига олма ва олча кўчатлари ўтқазиб, меҳр билан парвариш қилмоқда. Инженер Абдуллаев, пенсионерлардан Турсунов, Қосимов ва Қорабоев каби ҳурматли кексаларимиз ҳам кўкаламзорлаштириш ишида бошқаларга намуна бўлаётирлар.

Жамоатчиликка суяниб, кўпчиликни жалб этилса ободончилик ва кўкаламзорлаштириш юзасидан катта ишларни амалга ошириб, жонажон Тошкентимизни яқин йиллар ичида энг гўзал шаҳарга айлантириш мумкин экан. Биз ўз иш тажрибамиздан шу хулосага келдик.

К. ФАЙЗИЕВ,
Октябрь район коммунал хўжалик бўлимининг мудири.

ИБРАТЛИ ГАПЛАР

Битта боғ бир маҳаллани боқади.

БИР ТУП ТОК ЭКСАНГ, БИР ТОЛ ЭК.

БОБОНИНГ ТОЛ ЭККАНИ, ЎЗИГА НОМ ЭККАНИ.

БИРНИ КЕССАНГ, ЎННИ ЭК.

БОҒНИ БОҚСАНГ БОҒ БЎЛАР,

БОТМОН-ДАҲСАР ЕҒ БЎЛАР.

АРИҚ ҚАЗИМАСАНГ СУВ ЧИҚМАС,

ОДАМ ҚУЛИ ЧЎЛНИ БУСТОН ҚИЛАДИ.

САДА—СОЯ БЕРАР, ТОЛ—ХОДА БЕРАР.

БИР ЙИЛ ТУТ ЭККАН КИШИ,

ЮЗ ЙИЛ ГАВҲАР ТЕРАДИ.

Қатортол

Чиройда тенгсиздир азиз қишлоғим
Поёнсиз даласи уфққа туташ.
Меҳнат-ла серҳосил узумзор боғи,
Нақадар оромбахш қўйнида яшаш.
Ҳуснига мафтунман, қувонар дил ҳам
Шарафли меҳнатга минг-минг тахсинлар.
Қуйчига янги куй, шоирга илҳом, —
Қалбларга мавж берар лолазор қирлар.
Қатортол аталмиш она қишлоғим
Қўйнида гуркираб ҳаёт қайнайди.
Баҳорги меҳнатдан мўл ҳосил чоғи,
Колхозчи қалбида қўшиқ янграйди.
Соҳибкор оталар, ботир йигитлар,
Чевар қизларимиз меҳнати афзал.
Шулар азми билан бўстон яралди,
Она қишлоғимиз шулар-ла гўзал.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

Ҳар бир ҳовли кўкаламзор бўлсин!

Пойтахтимиздаги жуда кўп кўчаларнинг икки бетидаги зилол сувли ариқлар бўйида баҳор шамолидан тебраниб турган сершоҳ дарахтларни кўриб завқингиз келади. Ҳадемай улар япроқ чиқаради, ёзнинг жазирама кунларида кўчалар бўйлаб оромбахш соя ташлаб туради. Тошкентда гул экиб, дарахт кўкартирилган ховлилар ва саноат корхоналари кўп. Бу жойларда жамоатчиликнинг кучи билан соя-салқин боғ ва гулзорлар барпо этилган.

Лекин иқлим шароити жуда қулай бўлган Тошкентимизда обод ва кўкаламзор бўлмаган айрим саноат корхоналари территориси ва кўпчилик ящайдиган ҳовлилар ҳали ҳам бордиги кишини ранжитади. Дарахтсиз ҳовли — эгасиз жойга ўхшайди, дейди халқимиз. Дарахтли ҳовлига файз ҳам, чирой ҳам киради. Кўрганда кишининг кўзи қувнайди, гир-гир шабадаси ором бахш этади.

Биз Куйбишев районидаги айрим саноат корхоналари ва ҳовлиларда бўлдик. Мана Сельмаш кўчасининг 2-проездига жойлашган 1- ва 2-мелькомбинатга қарашли ҳовлилар. 1-мелькомбинат машинисткаси Бахамовская ва 2-мелькомбинат электромонтери Подгорний оилалари яшайдиган квартиралар саҳнини кўриб ҳайратда қолдик. Уйлар яхшилаб ремонт қилинган, девор ва деразаларнинг кўриниши жуда чиройли. Лекин дераза тагидан ўтган кичкинагина ариқ бу ёқин — ўртада тозаланмаган, уйлардан чиққан ифлос сувлар йўлкага тошиб ётибди. Ариқ бўйига экилган 20 туп манзарали дарахт кўчати қаровсиз қолганидан бири синиб, бири қуриб қолган. Бахамовская ва Подгорний ўртоқлар ўзингиз-ўйлаб кўринг, шу ҳам инсофданми? Район коммунал хўжалик бўлими ўтқазиб берган шу тайёр кўчатлар тагига бир челакдан тоза сув қуйиб туриш нахотки қийин бўлса. Ахир бу дарахтлар ўсиб ўйингиз ва ўтиб юрадиган йўлкангизга соя ташлаб турса ўзингизнинг бахридилингиз очилмайдими?! Худди шундай аҳвонарли ҳолни электролампа заводи ишчиси Некрасова уйи рўпарасида ҳам кўрдик. Район коммунал хўжалик бўлими ходимлари ўтган йили экиб кетган 10 туп гул ва 15 туп дарахт кўчати бутунлай йўқ бўлиб кетибди. 1-тупикдаги 8 ва 27-, Воровский кўчасидаги 41-ховлилардаги аҳвол ҳам юқоридагилардан қолишмайди. Бу ҳовлиларда 1000 га яқин киши яшайди. Лекин улар ўз билгилари билан ўзлари яшаб турган жойни кўкаламзор қилиш уёқда турсин, давлат томонидан экиб берилган ниҳолларни ҳам парваришсиз қолдириб, қуритиб қўймоқдалар.

Ҳозир пойтахтимизнинг жуда кўп жойларида жамоатчилик асосида катта ишлар қилинмоқда, шанбаликлар уюштирилиб гулзорлар ва боғлар барпо қилинаётир. 1- ва 2-мелькомбинатнинг раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари ана шу ташаббусга эргашиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига бошчилик қилсалар яхши бўларди.

Кези келганда 2-мелькомбинат ховлисидаги манзарани ҳам айтиб ўтайлик. Арралаш цехи олдидаги 6—7 ёшли 10 туп азм дарахт тахталарга кўмилиб ётибди. Механика цехи олдидаги акацияларга эса тираб қўйилган темир-терсаклардан майишган. Цехлардан оқиб чиққан ифлос сувлар эса дарахтлар илдизи заҳарлаяпти. Бунинг устига комбинат директори А. Малиновский ва директор ўринбосари Васильман ўртоқлар ҳадемай комбинат ховлисини соя-салқин ва кўркам қиладиган дарахтларни кестириб ташламоқдалар. Лекин кесилганлари ўрнига янги кўчатлар экиш уларнинг ҳаёлига келмаётир.

Шунингдек, Киров районидаги кўпгина ҳонадонлар ва саноат корхоналарида ҳам кўкаламзорлаштириш ишига юқоридаги каби бефарқ қарамоқдалар. Райондаги ёғочни қайта ишлаш комбинати, гишт заводлари ва трикотаж фабрикаси ўтган йил кузда белгиланган кўчат экиш планини бажармадилар. Бунинг устига бу корхоналарнинг раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари кўкламнинг ҳозирги ғанимат кунларидан ҳам яхши фойдаланиш тадбирларини кўрмаётирлар.

Тошкентда кўчат ўтказиш ойлиги бошланди. Бир ой ичида шаҳримизда минг-минглаб дарахт ва гул кўчатлари экилади. Куйбишев ва Киров районларининг жамоат ташкилотлари меҳнаткашларга бош бўлиб, ана шу ойликка ўз ҳиссаларини қўшишлари, юқоридаги доғлар ўрнида боғлар барпо этишлари лозим.

З. МУҲАММАДЖОНОВ,
Ж. НОСИРОВ,

КЕЛИНГ, ҲИССА ҚЎШАЙЛИК

Ота-боболаримизнинг яхши одатларидан бири ихлос билан кўчат экиб уни кўкартириш бўлган. Боғбонлик ўзбекларнинг қадимдан севган касби бўлиб қолган. Мана шунақа навбаҳор кунлари кекса-ю ёш тиним билмай ишларди: эзгу ният билан ниҳол экарди.

Келинг биз ҳам ўша анъанани давом эттирайлик! Биз сизларга, ўзимизга ўхшаган кексаларга, сергайрат ёшларга мурожаат қилмоқдамиз. Ҳар ким ўзи яшаб турган кўчага, ховлисига бир назар ташласин. Очиқ жойни, бўш ерни ташлаб қўймасин.

Биз кўпчиликмиз. Бир тупдан эксак ҳам, бир маҳаллада минг-минг туп бўлади. Экканда ҳам мевали дарахт экайлик. Ҳар туп дарахт бир килодан мева қилса, минг-минг кило мевали бўламиз. Бунинг устига баҳри-дилингни очиб кўнглингни равшан қиладиган ҳам шу ниҳоллар. Уларнинг соя-салқини, кўркамлигини бирон нарса билан тенглаштириб, таққослаб бўладими, ахир!

Кўчаларимизга ток кўчатлари ҳам ўтказиш мумкин. Токни баланд иморатлар тепасига чиқазиб юборсангиз, ёзда тангадек жойга ҳам офтоб тушмайди, ҳосилидан ўтган-кетганни, бола-чақани баҳраманд айлаш мумкин.

Буни бизнинг маҳалламиз мисолида кўрса бўлади. Биз, район коммунал хўжалик бўлимининг ёрдамини кутиб ўтирмай ўзимиз дарахт кўчатлари топиб экканмиз. Ўтган йил Навбаҳор, Хушбахт кўчаларига ўтқазган тол ва олчаларимиз бу йил ҳосилга киради. Завқий, Тоҳир кўчаларига экканимиз — манзарали дарахтлар ҳадемай қарқара бўлиб барг чиқаради. Яқинда бўлган маҳалла комитетининг йиғилишида кўкаламзорлаштириш ишлари масаласини яна муҳокама қилдик. Дам олиш кунлари ҳамма кўчага чиқади — дарахт экади, деб келишиб олдик.

Кексалар, пенсионерлар, ғайратли ёшлар — сизларни яна бир бор чақирамиз: қўл қовуштириб ўтириш бизга ярашмайди. Қўлимиздан келар экан, бўш ўтирмайлик. Ғанимат дамларни ўтказиб юбормай эринмасдан кўчат ўтқазайлик. Ҳосилини биз емасак ҳам болаларимиз ейди-ку, соясидан баҳраманд бўлади-ку! Биздан қоладиган энг яхши бойлик, ёдгорлик шу ниҳоллар, дов-дарахтлар бўлади.

Маҳмуд ТОЖИЕВ,
Тўлаган ХОЛМУҲАМЕДОВ,
Рихси МУҲАММАДЖОНОВ,
Эргаш ЛАТИПОВ.
Неъмат ТОЖИЕВ,
Фрунзе район III-Чархкомолон маҳалласининг қариялари.

Октябрь районидаги «Илғор» маҳалласининг уюшқоқ аҳолиси баҳор нафаси эсиши билан кўчакўйларни кўкаламзорлаштиришни бошлаб юборди. Меҳнаткашларнинг ўзлари ҳозирги кунгача 2000 тупдан ортиқ ҳар хил мевали дарахт кўчатларини экдилар. Суратда: маҳалланинг «Темиртоғ» кўчасида кўчат ўтқазиш пайти. Иш бошида пенсионерлардан Абдували Абдурасулов (чапда) ва Собит Юнусов ўртоқлар. А. Абалян фотолари.

Сабзавотчилар ғайрати

Калинин районидаги «Тошкент» совхозининг коммунист ўрток Т. Ортиқов бошчилик қилаётган парник бригадаси аъзолари фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Сабзавотчилар ҳозир дастлабки муваффақиятларни қўлга киритдилар. Бригаданинг парникларида эртаги редиска ҳосили пишди. Шу кунга қадар шаҳар аҳолисига 530 килограммдан ортиқ редиска жўнатилди. 40 та парникка экилган укропдан 120 килограмм ҳосил олинди. Бригада сабзавотчилари ҳозиргача 800 килограммдан ортиқ кўк пайдо қилдилар.

Ю. ИРИСКЕЛОВ.

Обнаженные поля на снеговом ковре бахчи лишенной лишь лишь лишь дикие дикие дикие. Суратларда: 1. Юнори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхозида дон ва 2. Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозида дуккакли экинларни экиш пайти.

К. Розиқов фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ПАРТИЯ ЯНГИ ҒАЛАБАЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

ЮРАК СЎЗЛАРИ БУ

Ҳар фаслнинг ўз хислати, ўз зийнати бор. Қаҳратон қиш кунларида, лайлак қор гупулаб ёғиб турганида хиёбонлардан юриб, соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш кишига қанчалик ҳузур бағишлайди! Куз палласида дарахтлар тилла ранг барларини тўкиб ерга гилам тушаган кезларида ҳосилдор далаларни айланиб, деҳқоннинг тер тўкиб етиштирган меваларидан тотиб, баҳра олишга нима етсин. Ҳамма нарса тўкин-сочин бўладиган йилнинг инсонга келтирадиган ҳузурини тарифлаб бўладими!

Баҳор эса ўлкамизга ўзгача кувонч, ўзгача завқ келтиради. У кенг ва бепоён далаларимизни яшил либосга буркаб, ёшлик олиб келди. Ҳар биримизнинг ғайратимизга ғайрат, кучимизга-куч қўшади. Баҳор келиши билан айниқса, деҳқоннинг иши қизиб кетади. Ахир осонми, ерни экишга тайёрлаш, далаларга ўғит ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш лозим. Сабзавотчи хўжаликлар эса эл дастурхонини эртаги картошка ва сабзавот маҳсулотлари билан безатиш мақсадида экишни қизитиб юборадилар.

Жонажон пойтахтимиз — Москвада КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми ўз ишини давом эттираётган кунларда Калинин районидаги Охунбобоев номли колхозда бўлганимизда бунинг гувоҳи бўлдик:

Мана, колхознинг ўртоқ Собир Қосимов бошлиқ бригадаси даласидамиз. Кенг карталарда иш қизғин. Колхозчи азаматлар парникда етиштирилиб пикировка қилинган карам кўчатларини ҳаққонлик билан экишаяпти.

— КПСС Марказий Комитетининг март Пленумида ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг қилган докладини,— деди бригадир Собир ака,— бригадамиз аъзолари билан биргаликда ўқиб, муҳокама қилиб чиқмоқдамиз. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўл, таннархи арзон бўлсин, аҳолига тобора кўп гўшт ва сут етказиб берайлик, деб биз деҳқонларни унумли меҳнат қилишга чақираяпти партиямиз. Бу чақириққа лаббай деб жавоб берамиз. Бригадамиз аъзолари билан имкониятларимизни чўтка солиб, эртаги сабзавот ва картошка экишни СССР Олий Советига сайловлар кунигача тугаллашга қарор қилганмиз. Ҳар гектар ердан 28 тоннадан карам, 20 тоннадан картошка, 13,5 тоннадан пиёз хосили оламиз.

Хуллас, колхоз далаларини айланган, фермалардаги ишлар билан танишган киши колхоз правлениеси хўжаликка раҳбарликни яхшилаш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришнинг резервларини тинмай қидириб топиб, бу соҳада яхши натижаларга эришаётганлигини билиб олади.

Булардан бири шуки, бу йил бригадалар йириклаштирилди. Илгариги 18 та сабзавотчилик бригадаси 13 тага келтирилди. Натижада 5 бригадир, 5 табелчининг штати қисқартирилди ва бир йил давомида уларга тўланадиган 5300 меҳнат куни тежаб қолинади.

— Экинлар структурасида қандай ўзгариш бўлди?— сўрадик колхоз партия комитетининг секретари ўртоқ М. Юнусовадан.

— Чорвачиликдаги энг муҳим нарса,— деди у,— ем-хашакдир. Ем-хашак бўлса, чорва моллари ҳам, гўшт ва сут ҳам бўлади. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладидаги бу гаплар нақадар тўғри эканлигини биз ўз тажрибамизда синаб кўрдик. Шунинг учун ҳам бу йил экинлар структурасини ем-хашак етиштиришни кўпайтиришга қаратиб ўзгартирдик. Ўтган йили 90 гектар ерга маккажўхори экилган эди. Бу йил маккажўхори майдони 150 гектарга етказилади. Шундан 90 гектарига дон учун, 50 гектар ерга силос учун маккажўхори экилади. Ҳар гектар ердан 50 центнердан дон, 700 центнердан кўкпоя оламиз.

Бундан ташқари 50 гектар ерга чорва учун хашаки лавлаги экамиз. Ҳозиргача 15 гектар ерга лавлаги экилди.

Колхоз правлениеси бригадаларни малакали, ўз ишининг устаси бўлган кадрлар билан мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бермоқда. Жумладан, ўтган йили планни бажараолмаган Ғани Эшонов, Аҳад Мўминов сингари бригадирлар ишдан олинди. Уларнинг ўрнига ғайратли, ташаббускор кишилар тайинланди.

Колхоз аъзолари етти йиллиқнинг тўртинчи йилида ҳар гектар ердан 14 тоннадан картошка, 28 тоннадан карам, 27 тоннадан помидор етиштириш учун сўз берганлар.

Шу нарса қувончлики, бу ерда далага чиқариб экилаётган карам ва помидор кўчатлари колхознинг ўз теплица ва парникида етиштирилган. Аввалари ҳар гектар ердан олинадиган пиёз ҳосили 4—5 тоннадан ошмас эди. Эндиликда эса 12 тоннага етказиб пиёз олинмоқда. Бунинг сабаби шуки, колхоз август ойида пиёз уруғини сепиб қўйиш тажрибасини кенг қўлламоқда.

Чорвачилик соҳасидаги ишлар ҳам кишини қувонтиради. Колхозда ўтган йили ҳайдалиган ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 57 центнердан гўшт етиштирган бўлса, бу йил 70 центнердан гўшт етиштириш, соғин сигирлардан соғиб олинадиган сутнинг миқдорини кескин кўпайтириш учун кураш қизиб кетган.

Н. РИХСИЕВ.

Биринчи кўнгиллилар

Тошкент корхоналарининг ёш ишчилари комсомол ташкилотларига юборган ўз аризаларида: «Бизни колхоз ва совхозга доимий ишлаш учун юборишингизни сўраймиз», деб ёзмоқдалар. Илғор ишчилар ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида қилган доклади билан танишиб чиқиб, қишлоқ меҳнаткаши бўлиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мўл-кўлчилигини учун умумхалқ курашида бевосита қатнашиш истакларини билдирмоқдалар.

Трактор йиғиш заводида ремонт цехидан тўртта ўртоқ — комсомол аъзолари Шавкат Ўрмонбеков, Борис Қосимов, Аҳмад Абламедов ва Олег Содиқовлар Никита Сергеевич Хрушчевнинг чақиригига биринчи бўлиб жавоб бердилар. Улар Самарқанддаги ҳунар мактабини тамомлаб чиққан, ҳаммасининг касби слесарь. Ёш кўнгиллилар ўзаро маслаҳатлашиб, комсомол комитетига мурожаат қилдилар ва ўзларини республиканинг қишлоқ районларидан бирига ишга юборишни сўрадилар.

—Мастерскойларда тракторларни ремонт қиламиз. Қийинчиликлардан қўрқмаймиз,— деб айтдилар ёш ишчилар.

«Ташсельмаш», «Узбексельмаш» заводларининг ва шаҳардаги бошқа корхоналарнинг комсомол ташкилотлари қишлоққа бориб ишлашга қарор қилган кўнгиллиларни танлашга киришдилар. (ЎзТАГ).

Халқаро аҳвол

СССР билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида маданий алоқа тўғрисидаги битим имзоланди

ВАШИНГТОН, 9 март. (ТАСС). Кеча бу ерда Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида фан, техника, маориф, маданият соҳасида алоқа тўғрисидаги битим имзоланди.

Янги битим икки йилга мўлжалланган конкрет программадан иборатдир ва фан, техника, қурилиш, савдо, қишлоқ хўжалиги соҳасида алоқани, соғлиқни сақлаш ва медицина соҳасида ҳамкорликни, маориф, ижрочилик санъати, кино ва киносаноати соҳасида алоқани, нашрлар, виставкалар, радио ва телевидение, программаларини айрбошлашни назарда тутади. Битимда томонлар шунингдек давлат ҳокимияти, жамоат ташкилотлари вакилларининг боришига, спортчиларнинг боришига ва туризмни ривожлантиришга ёрдам беришга розилик билдирганликлари кўрсатиб ўтилади.

СССР Олий Совети депутатларининг ва АҚШ конгресси аъзоларининг, шунингдек ҳар иккала мамлакат ҳукуматлари аъзоларининг сафарига ёрдам бериш тўғрисида ўзаро келишилганлиги битимнинг янги муҳим қоидасидир. Томонлар шунингдек, ижтимоий фаолият билан шуғулланувчи тегишли ташкилотлар ўртасида қўшма тадбирлар ўтказишни ва алоқа уюштиришни рағбатлантирадилар.

Айни вақтда СССР Фанлар академияси билан Америка Қўшма Штатлари миллий фанлар академияси ўртасида битимлар ишланиб чиқилди.

СОЦИАЛИЗМ ҚУРАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА

Хитой Халқ Республикасида

МАШИНАСОЗЛИК ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИДА

Шаньси вилоятида қурилаётган биринчи машинасозлик заводида асбоб-ускуналар монтаж қилинмоқда.

Завод гугурт, қоғоз ва енгил саноатнинг бошқа тармоқлари учун машиналар ишлаб чиқаради.

РЕЗИНА ЗАВОДИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

Пхенань вилоятидаги Аньян резина заводи велосипед покришкалари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Ҳозирги вақтда шу завод реконструкция қилинмоқда. Янги асбоб-ускуналар ишга туширилгандан кейин заводнинг ўртача кундалик қуввати ўн баравар ошади.

БАЛИҚ ОВИ БОШЛАНДИ

Порт-Артур-Дальний райони (Ляонин вилояти) балиқчилари баҳорги балиқ овлаш пайтида 23 минг центнер балиқ овладилар. Баҳорги балиқ овлаш, шунингдек Янцзи дарёсида ҳам бошланди. 300 га яқин кема балиқ овига чиқди. (ТАСС).

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА ВЕНГРИЯ ЖАНГОВАР ОРДЕНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

МОСКВА, 8 март. (ТАСС). Венгрия Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Геза Ревес Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг топшириғига мувофиқ бугун Л. С. Мартишченко — Безенькова ва М. А. Фортусларга Қизил Байроқ орденлари топширди. Улар Улуғ Ватан уруши йилларида Венгрияни фашист босқинчилардан озод қилишда қатнашганликлари учун шу жанговар мукофотларни олишга сазовор бўлдилар.

Элчи мукофотланганларни самимий табриклади ҳамда бу совет ватанпарвар аёлларига меҳнатда ва шахсий ҳаётда муваффақиятлар тилади.

ЖАЗОИРДАГИ ТАЛОФОТЛАР ТЎҒРИСИДА ФРАНЦИЯНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛГАН МАЪЛУМОТЛАРИ

ПАРИЖ, 9 март. (ТАСС). Франция қуролли кучлар министрлиги томонидан бугун эълон қилинган маълумотларда айтилишича, Жазоир уруши бошланганидан то 1961 йилнинг охирига қадар Франция армиясидан Жазоирда 17.250 киши ўлган ва 51.800 киши яралор бўлган, дейилади Франс Пресс агентлигининг хабарида.

Яна шу маълумотларда айтилишича, жазоирликлардан 141 минг киши ўлган.

1954 йилнинг 1 ноябридан бери Франциядан Жазоирга янги олинган аскарлардан тахминан бир миллион киши юборилган.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Телефон жиринглади...

(ШИНГИЛ ҲИКОЯ)

Раис Ҳодивойнинг уйи. Хотини ойна ёнида пардоз қилаяпти. Бирдан телефон жиринглайди:

— Алло, эшитаман. Менми? Ҳодивой акангизнинг хотини Таннозхон.

— Яхшимисиз ўртоқжон.

— Раҳмат, ўртоқжон. Ҳай, ўзингиз кимсиз?

— Танимаяпсизми? Ўзингиз топақолинг.

— Нозикнисамисиз?

— Йўғе!

— Савлатоймисиз? Вой нега куласиз? Ахир, шулар менинг ўртоқларим-да.

— Ҳозир нима иш қилаяпсиз?

— Зерикдим, ўртоқжон. Шаҳарпаҳарга тушсамми, деб турипман.

— Ҳой-наҳой п а р д о з-андоз, ясан-тусан жойиндадир.

— Вой нега ундай дейсиз!

— Ҳазиллашаяпман, ўртоқжон, ҳазиллашаяпман.

— Ҳа, бундай денг. Ходивой акангизга бепардоз кўринди бўлармиди? Ҳай, ўзингиз кимсиз?

— Ўзингиз топақолинг. Магазинда ишлайман.

— Қайси магазинда, духоба сотадиганидами?

— Пахта сотадиганида.

— Вой, гапингиз қурсин!

— Рост, Таннозхон, рост.

— Ҳазиллашманг, отингиз нима?

— Иилвой акангизнинг қизи Баҳорой.

— Қанақа Баҳорой?

— Қанақа бўларди? Сиздақа соляпарларни далага олиб чиқишга ахд қилган Баҳоройман-да?

Таннозхоннинг юпқа лаблари пирпираб учди-да, трубкани тарақлатиб жойига қўйди.

Қ. МУҲАММАДЖОН.

ФЕЛЬЕТОН

ОРТИҚБОЙДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Ортиқбой ёшлигида ҳам уччига чиққан найрангбоз эди. Тенгқурларини фокус кўрсатаман деб кўзини бойларди-да, овқатини еб елкасига муштлаб қочарди. Катта бўлгач юлдузни бенарвон урадиган кўзбойлагич бўлиб етишди. Аввалига у ўзи яшаб турган Оржоникидзе посёлкасининг Учительская кўчасидаги кишиларни товлай бошлади.

Кейинчалик бошига антиқа шляпа, эгнига қимматбаҳо костюм-шим ва макентож кийгани ҳолда қўлига катта чарм папка ушлаб маҳалламаҳалла, қишлоқма-қишлоқ санқиб юра бошлади. Унинг ваҳимали қиёфасини кўрганлар «бирор дурустроқ идорада ишлайдиган ўқимишли киши бўлса керак» деган ўйда иззат-ҳурмат қилишди, уйларига таклиф этишди. Ортиқ улар билан суҳбатда гўё ўзини қандайдир министрликда ишлайдиган киши қилиб кўрсатиб сувдан ҳолва ясарди, кимга қандай камёб материал ё буюм керак-лигини билиб оларди-да, орадан икки-уч кун ўтгач келиб лўлидай авраради.

1958 йилнинг май ойи эди. Куйбишев районининг Олтинтепа воҳасида яшовчи Ибод акага Ортиқбой «Победа» енгил машинаси олиб беришни ваъда қилади, уни автомобиль сотадиган магазинга бошлаб келади.

«Магазиннинг директори менинг энг яқин ошнам бўлади, қани пулни чўз, ҳозир чек ёздириб чиқаман» деб Ибод акадан ўн олти минг сўмни олиб, унинг кўзини шамғалат қилди-ю, магазиннинг нариги эшигидан чиқиб, жўнаб қолади. Бечора Ибод ака чапагини чалганича қолаверади.

«Урганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларидай, Ортиқнинг кўзбойлагичлик машқи кундан-кунга орта борди. Яқинда Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозида дув-дув гап тарқалди. Нима дейсан, Ғулаган отанинг ўғли Эшвой арзон нархда тунука олиш учун 320 сўм, Абдужаббор Рўзибоев 310 сўм, тракторчи Қорабой Комилов 100 сўм беришибди. Кимда-ким уч-тўрт кун ичида пул тўласа, давлат нархида сотиладиган тунукадан олиб қоларкан...

Бу овозадан кейин бошқалар ҳам пешона тери тўкиб йиққан пулларини Ортиққа тунука ё тахта олиш учун беришди. Чўнтаги қаппайган Ортиқ пул берганларнинг кўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, бўйинларига хўл тандирни кийдириб жўнаб қолди. У бундай найрангни юзингда кўзинг борми демай Дўрмон қишлоғида яшовчи медицина ҳамшираси Жўрахон Маҳмудовага ҳам, «Партизан» кўчасида турувчи Мухтор Аббаровга ҳам ишлатиб, улардан 230 сўмни олиб, жиғилдонидан ўтказиб юборди, ўзи дарёга ташланган тошдек йўқ бўлиб кетди.

Шуниси қизиқки, Ортиқ худди ўзининг ота меросидай қилиб, бировларнинг уйидаги тахта-ёғочларни ҳам сиртдан пуллайберган. У, Красний Восточний кўчасида яшовчи Ориф Олимжоновнинг уйидаги икки кубометрдан ошиқ тахтани унинг қўшниси Собир Фозиловга 80 сўмга сотиб «кечаси Ориф аканикига туширган эдим, ташиб олинг» деб жуфтакни ростлаб қолибди. У бунақанги хурмача қилиқларни бундан олти йил илгари ҳам кўрсатиб, жазосини тортиб келганди. Лекин, Ортиқнинг тили товба қилса ҳам, дили товба қилмапти. У аксинча кўзбойлагичлик, доғулик ҳунарларини авж олдириб, ўзини кишиларга гоҳ қурилиш материаллари базасининг экспедитори, гоҳ автоинспектор, гоҳ министрликда ишлайдиган қилиб кўрсатиб, меҳнаткашларнинг пешона тери тўкиб топган пулларини илондай авраб шиляпти.

Наҳотки, содда кишиларнинг шўрига шўрва тўкаётган бу доғули, кўзбўямачи 8—10 йилдан бери ҳеч ерда ишламай, текинхўрлик билан кун кечириб, бировнинг дўпписини бировга кийгизиб юрган Ортиқ Нурматовга Оржоникидзе район милиция бўлими ёки прокуратураси чора кўраолмаса?! Ахир, бу товламачи бутун найрангларини район милиция бўлими ва прокуратурасининг кўзи олдида қилмоқда-ку! Ёки уларнинг кўзини бойлаб қўйганмикан?

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ.

КИПР МЕҲНАТКАШ ХАЛҚ ПРОГРЕССИВ ПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ

НИКОЗИЯ, 9 март. (ТАСС). Бу ерда Кипр меҳнаткаш халқ прогрессив партиясининг X съезди очилди.

Съездда ўн мамлакатдан келган қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг делегациялари, шу жумладан КПСС делегацияси ҳам қатнашмоқда.

НЕВАДАДА ЯНА БИР АТОМ ҚУРОЛИ ПОРТЛАТИЛДИ

ВАШИНГТОН, 9 март. (ТАСС). Америка агентликларининг хабар беришича, кеча Невададаги атом полигонида ер остида яна бир атом синови ўтказилган. Бу АҚШда атом қуроли синовларининг бу йилги серияси бошланганидан бери атом энергияси комиссияси томонидан расмий суратда эълон қилинган 21-атом портлатишидир.

Телеграф хабар қилади

▲ Крайова шаҳри яқинида (Руминия) улкан саноат комплексини қуриш юзасидан иш олиб борилмоқда. Партия ва ҳукуматнинг қарорига мувофиқ, табиий газни комплекс химиялаштириш комбинати, целлюлоза-қоғоз фабрикаси ва теплоэлектроцентраль биринчи навбатда ишга туширилади.

▲ Шимолий Италияда Равенна шаҳрига яқин жойда темир йўл ҳалокати рўй берди. Бу ҳалокат натижасида пассажирлардан 12 киши ўлди ва юздан ортиқ киши яралор бўлди. Соатига 60 миля тезликда юриб бораётган поезд темир йўл изидан чиқиб кетди. Ўн вагондан бештаси агдарилиб кетди.

▲ 6,5 миллион киши, ёки Токио аҳолисининг 65 проценти Осиё гриппи билан касалланди. Гриппдан ва унинг окибатларидан 305 киши ўлди. Бу — ўтган йили касаллик тарқалган вақтдагидан қарийб икки ярим баравар кўпдир. (ТАСС).

Телевизор

11 МАРТДА

Ўзбек тилида: 12.00 — Физкультура билан шуғулланинг, 12.20 — Инглиз тили дарси, 13.00 — Бизнинг янги мактаб ва Петрозаводскда шундай кўча бор (телеочерклар).

Рус тилида: 13.25 — Музика бўйича маданият университети, 18.00 — Билмасой ўрганади (болалар учун янги мультипликацион фильм).

Ўзбек тилида: 18.25 — Қўшиқлар ва рақслар, 19.05 — Телевизион янгиликлар.

Рус тилида: 19.20— Киножурнал, 19.30— Пойтахтимиз меҳмонлари. Танаффус вақтида телевизион янгиликлар. Эшиттириш охирида «О-1» деган реклама.

12 МАРТДА

Рус тилида: 18.30 — Мактабга ёрдам, 19.05 — Совет Армияси жангчилари учун, 19.30 — Телевизион янгиликлар, 19.45— Қишлоқ хўжалик фильмлари фестивали, 19.55 — Фан ва техника (киножурнал), 20.05 — Шоир Роберт Рождественский (адабий эшиттириш) ,20.45 — Урал альпларига томон (илмий-оммабоп фильм).

Ўзбек тилида: 20.55 — Телевизион янгиликлар, 21.10 — Тенгдошлар номли бадиий фильм.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/III да эрталаб Сўна, кечқурун Шаҳризода, Штрауснана, Болеро.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА— 11/III да кечқурун Номус (билетлар сотилган).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 11/III да Ғазал фожиаси, 12/III да Тошболта ошиқ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 11/III да лўли артистлари ва дорбозлар гастролларининг охирги куни. Уч марта тамоша кўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда.

Кино

Она-Ҳиндистон (1 ва 2-серия)— «ВАТАН», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 11-40 минут ва кеч 5-40 минутда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10 ва кеч 7 да), «СПУТНИК» (эрталаб 10, кундуз 1, 4, кеч 7 ва 10 да, 1-залда, кундуз 12, 3, кеч 6 ва 9 да, 2-залда).

Солдат ҳақида қисса — «МИР» (кундуз соат 12, 2, кеч 6 ва 10 да).

У ватанини ҳимоя қилади — «МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 4 ва кеч 8 да), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 2-20 минут, 4, кеч 8 ярим ва 10-10 минутда).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786. Секретариат — 34808, 31936. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 25888. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор —26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 04891. Нашр. Г. — 1547.